O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Milliy tiklanish

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 18 iyun, juma

9 (290) son

ТИНЧЛИК РУҲИ БАРҚАРОР

16-17 июн кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтди. Саммитда ШХТ аъзолари бўлган мамлакатлар учун катта аҳамиятга эга ҳужжатлар имзоланди. Тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, конструктив шерикликни йўлга қўйиш, халқаро терроризм ва экстремизм, айирмачилик ва наркобизнесга қарши кураш чора-тадбирлари, йўл-йўриқлари ҳақида келишиб олинди.

МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ОЧИЛДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар кўпдан буён жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга таҳдид солиб турган халқаро террорчилик, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарларнинг олдини олишга даъват этиб келди. Шунинг баробарида, ушбу мамлакатлар бундай жиддий хатарларга қарши курашиш йўлида изчил амалий одимлар қўймоқда. Қароргоҳи пойтахтимизда жойлашган ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти бунинг ёрқин тасдиғидир.

ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил қилиш ҳақида 2001 йил июнь ойида Шанхайда ўтган биринчи саммитда қарор қабул қилинганди. 2003 йил май ойидаги Москва саммитида эса мазкур тузилма қароргоҳини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди.

Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз пойтахтида ана шу қўмита учун махсус бино ажратилиб, у энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Янги тузилма шу йил 1 январидан тўлақонли фаолият юрита бошлади.

17 июнь куни — Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Тошкентда ўтаётган навбатдаги мажлиси олдидан — ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг расмий очилиши маросими бўлди.

Шу муносабат билан бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буюрди.

Олий даражадаги меҳмонларда ушбу муассаса биносининг оддийлик ва улуғворлик ўзаро уйғунлашган кўркам қиёфаси яхши таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тадбирни очар экан, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ШХТга аъзо давлатлар етакчилари қарори билан ташкил этилганлигини таъкидлади. Ушбу тузилма фаолиятининг асосий жиҳатларига тўхталди.

Ушбу тузилмада ШХТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эллик нафар мутахассиси фаолият кўрсатади.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири.

ЧИН СЎЗ, ЧИН ДЎСТ, ЧИН ҲАМРОҲ

Эркин ВОҲИДОВ,
Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Куни кеча Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент анжумани арафасида мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Олий Мажлисида бўлиб, халқ депутатлари, жамоатчилик вакиллари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

Ушбу нутқни тинглаб ўтириб, ҳаёлимдан олис тарих ва мумтоз шоирларимизнинг байтлари бирбир ўтди.

Агар бир қавм
гар юз,
йўқса мингдир,
Муайян турк улуси
худ менингдир.
Олибман тахти
фармонимга осон
Черик тортмай
Хитодин то Хуросон.

Навоийнинг бу ўлмас сатрлари худди бугун айтилгандек.

Кеча биз учрашув ўтказган Олий Мажлис биносининг шундоқ ёнгинасида "Самарқанд дарвозаси" деб аталадиган кўча бор. Тошкентнинг ўн икки дарвозасидан бири Самарқанд дарвозаси бўлиб, Хитойдан келган карвонлар шу дарвоза орқали Самарқанд, Бухоро, Марв орқали Машҳад, Истамбул оша Европа мамлакатларига йўл олганлар.

Самарқанд дарвозаси ёнида жойлашган "Чорсу" бозори икки минг йил аввал ҳам бугунгидек гавжум эди. Олий Мажлис биноси эса улкан Карвонсарой ўрнида барпо бўлган.

Худди шу ерда бир саъмонлар Чин ўлкасидан, Самарқанд томондан келган савдогарлар аччиқ хитой чойини дамлаб, нархноволар, яхши-ёмон йўллар тўғрисида, ўз кўрган-кечирганларини ва албатта дашту саҳро, тоғу тошлардаги хатарлар тўғрисида ҳам сўзлашиб ўтирган бўлсалар, ажаб эмас.

Шарқ билан Ғарб, Шимол билан Жанубни боғлаган, ўн минглаб чақиримга чўзилган бу кўҳна йўлларнинг Ипак Йўли деб аталиши бежиз эмас. Ипакнинг асл ватани Хитой экан, Ипак Йўлининг мазмуни Хитой йўли, демакдир.

Тарихий ривоятларга кўра, хитойлар кўп узоқ замонлар пилла тутиш сирини оламдан яширин сақлаган эканлар. Фақат бир сайёҳ ҳийла ишлатиб, ипак қуртининг уруғини ҳасса ичига яшириб, Хитойдан олиб чиққан ва ўз юртида, сўнгра бутун оламга тарқатган экан. Бизнинг ўзбек халқи кўп узоқ замонлардан бери пиллакордир. Аёлларимиз ипакдан бўлган атласни ҳамиша ардоқлаганлар ва ҳозирда ҳам севиб киядилар. Бежиз эмаски, Ўзбекистоннинг Хитойга чиқарадиган экспорт маҳсулотлари ичида ипак ҳам бор. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хитойдан пилла уруғини олиб чиққан ўша топқир сайёҳнинг миллати ўзбек бўлса, ажаб эмас.

Қадимги тамаддун марказларидан бири бўлган Хитой Шарқу Ғарбга илму фан, маданият бобида катта таъсир ўтказгани маълум. Куни кеча Ўзбекистонда бўлиб ўтган Хитой маданияти кунлари яна бир карра ушбу ўзига хос санъатнинг теран илдизларини намоён қилди.

Бизнинг ота-боболаримиз ҳам илму ҳунар бобида кам бўлмаганлар. Хитойлардан қабул қилинган ҳунар билан бизнинг аждодларимиз нилий гумбазлар тиклаб, минг йилларда ҳам сири кўчмас миноралар қурганлар. Хитойлар берган қоғозга бизнинг шоирларимиз дунёни ларзага солган шеърлар ва ҳосилдор ер, беқиёс ер ости бойликлари, мўътадил иқлим, йилда ўн ой порлаб турадиган қуёшни берган. Бу ўлканинг меҳнаткаш, ҳунарманд халқи бор. Фақат бир нарсадан бизнинг камлик жойимиз бор: биз жаҳон денгизларидан йироқмиз.

Шу боис ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бош мақсадларидан бири алоқа ва йўллар масаласи, айниқса, биз Ўзбекистонликлар учун нақадар муҳим эканлиги дунёга аёндир.

Хитой халқи жуда қадим замонларда босқинчилардан ўзини ҳимоя қилиб дунёнинг мўъжизаларидан бири бўлган Улуғ Хитой деворини тиклаган. Бугун илм-фан, техника беқиёс ривожланган бир замонда шундай бир ҳимоя инсониятга зарур бўлиб қолди. Бу аср балоси бўлган терроризм йўлига тўсиқ, ғов, довон қўйиш заруратидир. Афсуски, бу манфур хатардан деворлар қуриб сақланиш иложсиздир. Чунки у ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам ҳамла қилиб турган, ўта замонавий воситалар билан қуролланган, разил ва қабиҳ бир офатдир. Унинг офатини бошқа халқлар қатори ўзбеклар ҳам бошдан кечирдилар ва ҳеч ким ҳеч қачон хотиржамликка берилмаслиги, доимо ҳушёр, огоҳ бўлиши лозимлигини тушунадилар. Дунё халқлари фақат бирлашибгина бу хатарга қарши курашмоғи мумкин.

Хитой халқи - бизнинг чин дўстимиз. Хитойни ўзбекчада Чин ҳам дейдилар. Чин сўзининг ўзбек тилидаги яна бир маъноси ҳақиқат, рост, тўғри, демакдир. "Чин сўзим" деганда халқимиз хитой сўзим - қатъий, мард, ёлғонсиз самимий сўзим, деган маъноні тушунади.

Дарҳақиқат, хитой халқи тарихда ҳам, бугунда ҳам қатъиятнинг, ҳалолликнинг, тўғриликнинг, юксак интизом ва меҳнаткашликнинг рамзидир.

Тошкентнинг кунчиқар томонидан, бир замонлар шаҳарнинг Олой, Қўқон дарвозалари бўлган томондан Чимён тоғлари оша қуёш кўтарилганда шаҳримизда гўзал манзара пайдо бўлади. Кўҳна ва навқирон Хитой томондан бош кўтарган офтоб шоирларимизга қалби ҳам, юзи ҳам ёруғ, меҳр тафтини оламга сочган Фарҳод бўлиб кўринади.

Бугун ўша Чимён тоғлари, Қамчиқ довонида қизғин фидокорона меҳнат авжида. Менинг юртдошларим - Фарғона водийси меҳнаткашлари Ўзбекистон билан Хитойни боғловчи қадимий йўлни янада кенгроқ, янада замонавийроқ қилиб қайта тикламоқдалар. Бамисоли афсонавий Фарҳод каби тошни кесиб, мўъжиза яратмоқдалар.

Ҳар сафар ўз сайловчиларим билан учрашгани Фарғонага борсам, шу йўллардан ўтаман ва қурувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг кўксидаги ғурур ва ифтихорни сезаман. "Биз Буюк Ипак йўлини тиклаяпмиз, биз Буюк Хитойга йўл қураяпмиз" дейди улар чексиз завқ-шавқ билан. Бу йўллар ҳали узоқ асрлар неча-неча авлодларга хизмат қилажакдир. Бу йўллардан ўтажак замон карвонлари халқлар, мамлакатлар, минтақаларни бир-биригa боғлаяжак ва мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки улуғ иншоотларидан бўлиб авлодларга қолажакдир.

Шундай улкан ишларни амалга ошириш учун, катта ниятлар, орзулар билан яшаш учун ҳаммамизга биринчи навбатда тинчлик, хавфсизлик керак, минтақа халқлари ва давлатларининг ҳамжиҳатлиги керак.

Биз бугун шундай олий мақсадлар билан мамлакатимизга ташриф буюрган чин дўстларимизни қутлаймиз ҳамда ўзбек одатига кўра, қўлимизни кўксимизга қўйиб: "Хуш келибсиз" деймиз.

Сўз ЎзМТДП етакчиларига

ТИКЛАНИШ ОҒУШИДА, ТИКЛАНИШ РУҲИДА

Пахритдин ШАРИПОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши раиси.

Мустақиллик шарофати билангина мамлакатимизда кўппартиявийлик, фикрлар ранг-баранглиги, қонун устуворлиги қарор топаётир. Демократик жамият қуришда партияларнинг роли ва ўрни ҳақида ҳар қанча гапирилса ҳам кам. Бизнинг "Миллий тикланиш" демократик партиямиз сафлари давримизнинг етук кишилари, ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кенгайиб бораётгани қувончли. Тикланиш руҳида, тикланиш оғушида яшаётган, ижод қилаётган, ислоҳотлар ва ўзгартиш жараёнларига ўзларининг муносиб улушини қўшаётган юртдошларимиз кўпайиб бораётир. Бугунга келиб Наманган вилоятида партиядошларимиз сони уч мингтадан ортиб кетди. Албатта, бозор иқтисодиёти ва ўтиш даврида ҳамма ишларимиз силлиқ кетаяпти, деб айта олмаймиз. Муаммолар, қийинчиликлар етарли. Эскича фикрлаш, боқимандалик кайфияти билан юрган, партияларга ишончсизлик билан қарайдиган фуқаролар ҳам учраб туради.

Миллий тикланиш моҳиятини англаб етганлар, партиямиз вазифаларини жон дилдан ёқлаб қўллаб-қувватлаётганлар кўпчиликни ташкил қилаётгани катта умид туғдиради. Партиямиз келажагига фуқаролар ишончи ортиб бораётганининг ўзи бир саодат.

Наманганликлар азалдан ана тилини жони дилидан севиб, унга эътиқод қилиб келадилар. Она тили — ўзбек тили равнақи ҳақида қайғурадилар. Партиямиз фаоллари ташаббуси билан самимият ва ошкоралик руҳида ўтаётган мулоқотлар кишилар сиёсий онгини тарбиялашда, тафаккур савиясини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Яқинда Наманган шаҳридаги Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида партиямиз тарафдорлари билан қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда икки палатали парламентга сайловларнинг аҳамияти ҳақида олимлар, ҳуқуқшунослар ва "Миллий тикланиш" партиясининг етакчилари гапирдилар.

"Атангангузар" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган учрашув "Огоҳлик — давр талаби" мавзусида бўлди. Ҳар бир фуқаро ўзини, ўз уйини, ўз хонадонини ўзи асрашга қодир турса, хушёр ва огоҳ бўлса ҳар қандай ғараз ниятли кимсаларнинг жирканч режалари амалга ошмайди. Ўз уйимиз, ўз Ватанимизнинг осойишталигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчидир. "Меҳр-мурувват йили" муносабати билан хайрия тадбирлари ўтказилаётир. Партия тарафдорлари қариялар, ногиронлар ва меҳрибонларидан айрилганларга саҳоват кўрсатишаётир.

Вилоятимиз туманларида туман кенгашларининг раислари сайланди. Бу лавозимларга халқ орасида обрў-эътиборли, эътиқоди мустаҳкам, жонкуяр ва жамоат ишига садоқатли, ҳаётий тажрибаси бор кишилар танлаб олинди. Катта-катта қорхоналарда, таълим муассасаларида бошланғич партия шўъбаларини шакллантириш, уларга серғайрат ёшларни, фидойи хотин-қизларни жалб этишга киришганмиз. Асосий мақсад — хайрихоҳларимизни кўпайтириш. Яқинлашиб келаётган сайловларда кутилган натижаларга эришиш. Сайловлар — партиялар учун катта имтиҳондай гап. Сиёсат майдонида "Миллий тикланиш" партияси вакилларини кўрганда юраклари тўлқинланадиган, бизга томон қўлини чўзадиган, узоқ манзияларни кўзлаб ишонч билан истиқбол йўлига чиққан ҳамюртларимизга доимо бағримиз очиқ, улар билан елкадош бўлишдан фахрланамиз.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

ҚИБРАЙ. Миллий тикланиш демократик партиясининг навбатдаги учрашуви Қибрай туманида бўлиб ўтди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши Раиси, Олий Мажлис депутати, Иброҳим Ғафуров, Олий Мажлис депутати, партиянинг Тошкент вилоят кенгаши Раиси Шарифа Салимова, Олий Мажлис депутати Ўткир Ҳошимов, партиянинг Ёшлар қаноти раиси Жаннатхон Тошматова, Ўзбекистон Республикаси саньат арбоби Ортиқали Қозоқов, «Жўрабек» хусусий корхонаси директори Мунира Қориева, партия Марказий кенгаши аъзоси Дилмурод Қирғизбоевлар иштирок этишди.

Учрашувда сўзга чиққанлар бугунги куннинг энг долзарб масаласи — терроризмга қарши курашда миллий қадриятларнинг аҳамияти мавзуига алоҳида тўхталдилар. Туман халқ таълими бўлим мудири Шоҳида Бобокалонова, "Фурқат" фуқаролар йиғини раиси Толиб Тўраевлар "Миллий тикланиш" партиясининг Қибрай туманида тарафдорлари кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир сўнгида партиянинг Шифо линияси кам таъминланган оилаларга бир юз эллик минг сўмлик дори-дармонлар хайрия қилди. Қибрайдаги учрашув ЎзМТДП ташкил топганининг 9 йиллиги куни бўлиб ўтди. Йиғилганлар бу қутлуғ сана билан партия аъзоларини қутлашди.

ОҚҚЎРҒОН. Партия фаолларининг ушбу тумандаги учрашуви файзли ўтди. Туманда саксон етти минг аҳоли яшайди. Шундоққина марказда жойлашган 78-махсус интернатда эса 300 нафар бола тарбияланади. Уларнинг ҳар бирини тумандаги фермер хўжаликлари ўз оталиқларига олганлар. Болаларнинг ҳисоб рақамига эллик минг сўмдан маблағ қўйилган. Боқувчисини йўқотган 48 нафар болалар хомийлар кўмагидан баҳраманд бўлишаётир. Қаердаки меҳр-мурувват бор экан, шу жойда ўзлик, миллий уйғониш, миллий тикланиш бор. Миллий тикланиш эса оиладан бошланади. Партиянинг туман бўйича биринчи котиби Ботиржон Қўшбоев, аёллар қаноти раҳбари Зулхумор Холхўжаева, ёшлар қаноти раҳбари Робинисо Ашуровалар бу ҳақда алоҳида эътибор билан гапирдилар.

ЗАНГИОТА. Учрашув Зангиота қишлоқ фуқаролик йиғинида белгиланган бежиз эмас. Ўтган йили бу маҳалла "Обод маҳалла йили"да республика танловида биринчи ўринни эгаллаган.

Йилига ободончиликка, қурилишга меҳр-мурувват учун 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Буни қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солиҳхўжа Норхўжаев фахр билан гапирдилар.

Дарҳақиқат, маҳалланинг гул экилмаган кўчаси йўқ. Учрашувда кўнгилнинг тубида асралган гаплар тўкилди.

Партиянинг туман биринчи котиби Равшан Тожибоев, аёллар қаноти раҳбари Муҳаббат Муҳамедова, ёшлар қаноти раҳбари Гулнора Турсуновалар ҳам иш режалари билан таништирдилар.

***

Жиззах вилояти, ЎзМТДП Зарбдор туман кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия иш режаларининг бажарилиши ва ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда Зарбдор

Партия ахбороти

туман халқ таълими бўлими бошлиғи Абдураим Шарипов Зарбдор туман кенгаш раиси этиб сайланди.

***

ЎзМТДП Бахмал туман кенгаши йиғилишида туман «Маънавият ва маърифат» кенгаши раиси Алижон Оқмуродов партиянинг Бахмал туман кенгаши раиси этиб сайланди.

***

ЎзМТДП Хонобод шаҳар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди. Йиғилишда Хонобод шаҳридаги 6-ўрта мактаб директори Абдувоҳоб Имомназаров ЎзМТДП Хонобод шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди. Шунингдек, Самарқанд вилояти Пахтачи туман кенгашининг йиғилишида туман халқ таълими бўлими мутахассиси Азиза Ҳайитова ЎзМТДП Пахтачи туман кенгаши раиси этиб сайланди.

***

ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши Андижон шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Андижон шаҳри маҳаллаларидаги саводхон аёллар вакилалари билан суҳбат ўтказдилар. Унда партия фаоли, файласуф Одилжон Тоҳиров Президентимизнинг Олий Мажлис 14-сессиясида қилган маърузасининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди. Андижон шаҳар «Нуроний» жамғармаси биносида бўлиб ўтган ушбу давра суҳбатида Андижон шаҳар ҳокимлиги масъуллари иштирок этди.

***

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши Фарғона шаҳар «Олтин мерос» жамғармаси билан ҳамкорликда гиёҳвандлик ва терроризмга қарши кураш тадбирлари бўйича тарғибот гуруҳи тузди. Тарғибот гуруҳи Қува ва Тошлоқ туманларида бўлиб, аҳоли ва ёшлар билан мулоқот ўтказишмоқда.

***

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши вилоят бўлими билан ҳамкорликда маданий тадбирлар ўтказмоқда. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли Фарғона вилоят театри ва «Кабутар» фольклор-этнографик гуруҳи хорижга ижодий сафарнинг ташкил қилиниши ана шу тадбирлардан бири бўлди. Саньаткорлар Россия ва Хитой мамлакатларида бўлиб, миллий саньатимиз, маънавий қадриятларимизни намойиш этадилар.

***

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши етакчилари Маматқул Бозорбоев ва Ҳотам Нишоновлар Сайхунобод туман марказий шифохонаси жамоаси билан учрашди. Унда сайлов, жамият ҳаётида партиянинг тутган ўрни, азалий қадриятимиз бўлган меҳр ва мурувват мавзуларида суҳбат бўлди.

***

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Зарифбой Дўсимов Янгибозор туманидаги 8-мактабда бўлиб, мактаб жамоаси ва ўқувчи ёшлар билан қизиқарли суҳбат ўтказди. Унда янги сайловлар тизимининг афзаллик жиҳатлари, партиянинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз борди. Учрашув қизғин мулоқот руҳида ўтди.

***

ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси, Олий Мажлис депутати Ўлмас Саиджонов «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан Тошкент шаҳридаги 32-меҳрибонлик уйида ҳамда Собир Раҳимов туманидаги ногиронлар уйида саньаткорлар иштирокида хайрия концертлари ташкил қилди. Ногиронлар уйида меҳру ардоқ топаётган кекса кишилар Муножот Йўлчиева, Ўлмас Саиджонов каби таниқли ҳофизлар ташрифидан мамнун бўлдилар.

***

Олий Мажлис депутати, партия фаоли Раҳматали Жалилов Данғара туманидаги аграр коллеж жамоаси ва талабалари ҳамда Қўқон шаҳридаги автомобил йўллари коллежи жамоаси ва талабалари билан учрашди. Унда «Терроризмга қарши курашда ёшларнинг вазифалари ва бурчлари» мавзусида суҳбат-мулоқот бўлди.

САҲИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАСАНГИЗ:

2-бетда
Мактабларда нима ўзгарди

3-бетда
Аёл фожиалари

4-бетда
Ҳўжа Аҳмад Яссавий: «Бешак билинг бу дунё барча халқдин ўтаро»

Сталин ўлими сири

«Ўзпахтасаноат» корхоналарида

ЯККАБОҒДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Қашқадарёликлар ўтган йили пахтачиликда жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Деҳқонларнинг эътирофича, Оллоҳ барака нурини ёғдирди, воҳа далаларига. Хом ашё сероб бўлса, уни қайта ишлаш корхоналари ҳам бир маромда ишлайди. Вилоятдаги пахтани қайта ишлаш корхоналари йил давомида бободеҳқон пешона терлари эвазига етиштирган хом ашёни қайта ишлаб, иқтисодиётимиз истиқболига муносиб улуш қўшаётир.

Вилоят «Пахтасаноат» худудий акционерлик бирлашмаси Қарши шаҳрида жойлашган. Бирлашма раиси Рустам Жўраев ҳузуридамиз.

— Омадингиз бор экан, бир дақиқага ишхонамга киргандим, — дейди раис. — Тошкентдан — республикадан келган вакиллар билан туманма-туман юрибмиз.

— Тармоқдаги ибратли ишлар, ўзгаришлар хусусида гапириб берсангиз, мақола тайёрлаш ниятида эдик.

— Мақтовга арзирли иш қилганимизча йўқ-ку?

— Камтарлик қилманг, биздаги маълумотларга кўра, бирлашма корхоналарида республика газетасига ёзса бўлаверадиган ютуқлар талайгина. Раис пахтани қайта ишлаш корхоналарини янги мавсумга таъмирлаш ишлари қизғин паллага киргани, улар янги технологиялар асосида қайта жиҳозланаётгани, тола олиш миқдори йил сайин ортиб бораётгани хусусида гапирди.

— Бу йил Яккабоғда бўлганмисиз?

Раиснинг саволига жавоб беришга чоғланиб турган ҳам эдимки, у сўзини давом эттириб кетди. — Ўтган йили Яккабоғ «Оқ олтин» пахта тозалаш очиқ хиссадорлик жамияти тубдан қайта қурилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу корхонани бир кўрсангиз, хулосани ўшанда айтасиз.

Рустам Жўраев бирлашма касаба қўмитаси раиси Хайитмурот Рауповни ҳузурига чақирди.

— Республика «Миллий тикланиш» газетасидан қашқадарёликлар фаолиятини ёритайлик, деб келишибди. Яккабоғга бирга бориб, мухбирга ҳамроҳлик қиласиз.

Қаршидан Яккабоғгача салкам юз километр экан. Кун қизигандан қизитаётир. Обҳаво маълумотларида хабар берилганидан ҳам кўра 5-6 даража юқори иссиққа ўхшайди.

Йўлда ғўза ниҳолларига ишлов бераётган аёлларга нигоҳимиз тушади. Ёз қуёши куйдириб юбормаслиги учун улар рўмолларини маҳкам боғлаб, юзларини оқ мато билан ўраб олибди, кўзлари кўринади холос.

— Воҳада пахта етиштиришнинг ўзига яраша машаққатлари бор, — дейди Хайитмурот ака. — Пахтани пахта қилгунларича бўлганлари бўлади.

Қишлоқ аҳлига минг таъзим қилсак ҳам оз. Бу ёзнинг бошланиши, холос. Ҳали жазирама кунлар олдинда. Воҳа одамлари мард. Қийинчиликларни енгиб, мақсадига етмагунларича тинчимайди.

Йўл-йўлакай ғалла ўраётган комбайнларга кўзимиз тушади. Бундан ўн беш-йигирма йил аввалларида ғалла экишни унутиб юборган ҳамюртларимиз бугун бу соҳанинг ҳадисини олишди. Гектаридан 50-60 центнер ҳосил етиштирган ғаллакордан ҳайратланмай қўйдик. Етмиш-саксон центнерчилар бор. Ғалла мустақиллигига эришдик, ҳатто қўшни мамлакатларга экспорт ҳам қила бошладик. Бундан руҳланмай бўладими? Яккабоғ «Оқ олтин» пахта тозалаш очиқ хиссадорлик жамияти раиси Ибодилла Ибрагимов жуда камтарин ва камсуқум инсон экан.

— Корхонамиз ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бунёд этилган бўлиб бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганди, — дейди Ибодилла ака.

— Республика «Ўзпахтасаноат» акционерлик уюшмаси раҳбарларининг ташаббуси билан жуда тез муддатда — тўрт ойда қисқа технологияга асосланган янги завод қурилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган заводда 2004 йилда қайта ишланган пахта хом ашёсидан тола чиқиш миқдори 34,2 фоизга кўтарилди. Бундай натижа аввалларида бирор марта кузатилмаганди. Ишлаб чиқариш қуйиндиси чиқиши ҳам камайди.

У бизни янги қурилган корхона билан таништирди. Ободончилик ва ишчи-хизматчиларга яратилган қулай шарт-шароитларни кўрдик.

Қайси жабҳада бўлмасин камроқ харажат қилиб, тежамкорлик йўлини танлаб, кўпроқ даромад олишни уддасидан чиқа оладиганлар замони бугун. Бозор иқтисодиётида бу муҳим. Ҳиссадорлик жамияти ҳисобчиларидан олинган маълумотларга кўра ўтган йил якуни бўйича 121 миллион 649 минг сўм соф фойда олинган.

Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор йил сайин кучайиб бораётир. Меҳр ва мурувват йили учун алоҳида тадбирлар режаси белгиланган. Меҳрибонларидан айрилган, боқувчисини йўқотган, ногирон, кўп фарзандли, кам таъминланган оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилаётир. Корхонада ишловчиларнинг фарзандларини ёзги болалар оромгоҳларига жўнатишга 2 миллион 900 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Қашқадарёдан Тошкентга Шаҳрисабз — Китоб орқали қайтдик. Оқсаройни зиёрат қилдик. Мингчинор деб аталган гўшада бир дақиқа тин олдик. Қашқадарё пахтакорларининг азму-шижоатлари, машаққатли меҳнатлари бу йил ҳам катта натижалар берсин, хирмонлари «оқ олтин»га тўлиб кетсин, деб ният қилдик. Зеро, не-не азиз-авлиёларнинг муборак пойи қадамлари теккан бу қадим йўлларда қилинган ниятларимиз ижобат бўлгай.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

ИПАКЧИЛИК САНОАТИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ

Ички ва ташқи савдо шароитининг муттасил ўзгариб бориши бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитини, унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганишни тақозо этмоқда. Шу сабабли олим ва мутахассисларнинг маркетинг назарияси ҳамда амалиётига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг янги шакл ҳамда усулларига қизиқиши тобора ортмоқда.

Пировард натижада бозорни, тайин бир истеъмолчини кўзлаш, рақобатчилик усулларини пухта ўрганиш ютуқ ва барқарорлик гарови бўлиб бормоқда. Бозор талабини яхши билиш корхонага маҳсулотни режалаштириш, лойиҳалаш, яратиш ва ишлаб чиқаришни харидор талабига мувофиқ равишда аниқ амалга ошириш имконини беради.

Маркетингда асосий нарса унинг мақсадли йўналишга эгалигидир, янги тадқиқотлар, ишлаб чиқариш ва савдодаги жами айрим йўналишларнинг ягона «технологик» жараёнга бирлашувидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маркетингни яратиш, ташкил этишнинг ягона андозаси йўқ. Ҳар бир корхона ташқи омиллар ҳамда хўжалик фаолияти табиатини ҳисобга олган ҳолда, ўзига хос маркетинг дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Маркетингнинг асосий принциплари — бу бозорни билиш, бозорга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказишдан иборатдир.

Бозорни билиш деганда истеъмолчиларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг дид ва талабларини билиш кўзда тутилади. Бунда асосан «истеъмолчи — ҳамиша ҳақ!» деган шиорга амал қилинади. Демак, бозорга мослашиш — талабни қондирадиган маҳсулотларнигина ишлаб чиқармоқ, бозорга таъсир ўтказиш — талабни шакллантириш демакдир.

Маркетинг стратегияси — корхона имкониятларини бозор талаблари даражасига мослаштиришдир. Тактика деганда эса стратегик мақсадларга эришиш учун маркетингнинг аниқ йўналтирилган амалиётини таъминлаш тушунилади. Аниқ йўналтирилган маркетинг принциплари ва вазифаларига мувофиқ иш кўрган корхона бозорга нисбатан фаол маррада туради. Корхона харидорни кутиб ўтирмайди, балки бозорни батафсил ўрганади ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш борасида муҳим қарор қабул қилади, айни пайтда истеъмолчиларни ўз товарини харид қилишга оғдиради ва шу йўсинда иккала томон учун иложи борича энг самарадор фойдани таъминлайди. Маркетингнинг умумий принциплари ва вазифаларига қараб, фаолиятнинг аниқ йўналишлари, унинг мазмуни белгиланади. Улар орасида энг муҳимлари: бозорни, шунингдек, маркетингни қўллаш билан боғлиқ масалаларни комплекс равишда ўрганиш; маҳсулот турларини режалаштириш; талаб ва савдога рағбат берадиган тадбирларни шакллантириш; савдо, тақсимот ва маркетинг фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш.

Шундай қилиб, бозор ахборотини тўплаш ва тадқиқ этиш вазифалари билан маркетинг фаолияти ҳам бошланади, ҳам ниҳоясига етади. Худди мана шунда унинг фаолиятидаги ўзига хослик намоён бўлади. Биз юқорида санаб ўтган фаолиятларнинг ҳар бири ўзича муҳим, аммо уларнинг мажмуи ва ўзаро алоқадорлиги маркетинг принципларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шарт-шароитни таъминлайди. Маркетингни бир-биридан ажралиб қолган ҳаракатларнинг кетма-кетлиги тарзида эмас, балки ўзаро узвий боғланган ягона жараён тарзида тушунмоқ лозим. Унинг ҳар бир фаолият соҳаси — серқирра маркетинг тизимининг таркибий қисми бўлиб, бошқаришнинг бозор концепцияси умумий дастурида аниқ бир вазифани қатъий ҳал этиш учун хизмат қилади.

Кенг миқёсли стратегиянинг асосий белгилари:

1. Умумий жаҳон бозорида муайян маҳсулот турига бўлган талабни қондирадиган ишлаб чиқаришни кенг миқёсда ташкил этиш (харид тизими ва савдо тармоқлари марказлашган ҳолда).

2. Асосий технологик устунликлардан фойдаланиладиган, техникавий жиҳатдан қуролланган йирик корхоналарда маҳсулотнинг бир хил асосий таркибий қисмини юқори сифат кўрсаткичлари билан ялпи, арзон ишлаб чиқаришни мўлжаллаш.

3. Барча бозорларда стандартлашган маркетинг дастурларини қўллаш.

4. Маҳсулотнинг қўшимча қисмларини ишлаб чиқариш ва йиғиш бўйича қувватларини алоҳида географик бозорлар бўйича тақсимлаш.

5. Асосий бозорларда етакчи марраларни эгаллаш.

6. Асосий истеъмолчи мамлакатларда, ҳатто вақтинчалик зарар кўриш ҳисобига бўлса-да, ёпирилма инвестициялар сиёсатини олиб бориш.

Ўзини-ўзи баҳолаш жараёни корхонага мўлжалланган мақсадларга тезроқ эришиш имконини берадиган бундан кейинги стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш имконини беради. Корхонанинг барча бўлинмалари учун бозорни, тармоқ ва корхонанинг ўз фаолиятини таҳлил қилишга асосланган реал ва аниқ мақсадлар таърифланиши керак.

Янги лойиҳа учун бизнес-режа тузишдан илгари олдинга қўйилган вазифалар нуқтаи-назаридан мазкур лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ниятида дастлаб техник-иқтисодий асослашларни тайёрлашни тавсия қиламиз. агар лойиҳа мақсадга мувофиқ бўлса, у ҳолда қўшимча тадқиқотлар ўтказилиши ва лойиҳани тўлиқроқ техник-иқтисодий асослаш керак. Агар лойиҳа мақсадга мувофиқ бўлса, у ҳолда навбатдаги режани тузса бўлади. Ушбу режа корхонанинг барча тегишли функционал бўлимлари ва бўлинмалари учун иш стратегиясини ўз ичига олиши керак.

Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, молиялаш усулидан ёки жамланиши лозим бўлган сармоя туридан қатъий назар, деярли ҳар қандай ссуда берувчи, андеррайтер ёки хусусий инвестор ўзига асосланган бизнес-режа берилишига умид қилади. Замонавий корхоналарда бизнес-режа ички ва ташқи фойдаланувчилар учун доимий равишда тайёрланади. Бундай бизнес-режа эҳтимол тутилган ссуда берувчилар ва инвесторларни корхонанинг аввалги ва жорий фаолиятига доир барча жиҳатлари, шунингдек, келгуси тараққиёт истиқболлари ҳақида батафсил ахборот билан таъминлайди.

Корхонани бошқариш жараёнида бизнес-режа мақсадини белгилашга ва унинг муайян йўналишдаги ривожини сақлаб туришга кўмаклашади. Режанинг тайёрланиши маркетинг, молия ва бошқарув соҳасида турли стратегияларнинг натижаларини ўрганиш, шунингдек асосий тахминлар бўйича сезгирликни таҳлил этиш учун раҳбариятга имкон беради, яъни бизнес-режа бизнесга, унинг амалга оширилиши жараёнида ҳамроҳлик қилади ва таҳлил учун ҳамда унга зарур тузатишларни киритиш учун восита ҳисобланади.

Бизнес-режанинг ушбу бўлимини алоҳида пухталик ва диққат билан тайёрлаш лозим. Бозорнинг маркетинг таҳлили мумкин қадар аниқ-равшан бўлиши, реал, асосли ва тушунарли маълумотларга таяниши керак. Айни бозор салоҳияти инвесторлар билан тадбиркорлар ўртасидаги фарқни белгилаб беради. Кўпинча жуда сифатли маҳсулот тижоратда муваффақиятга эга бўлолмайди. Бизда инвесторлар бозор салоҳиятини таҳлил қилишни эплайдиган мавжуд имкониятдан унумли фойдаланадиган раҳбарлар гуруҳи ташкил этилмаган ҳолларда шундай вазият юзага келади. Аслида маҳсулотни бозорда муваффақиятли сотиш имконияти уни ишлаб чиқаришга қараганда муҳимроқдир.

Маркетинг режаси бизнес-режанинг муҳим қисмидир, чунки унда тақсимот қандай қилиб амалга оширилади, қандай нарх белгиланади ва маҳсулот бозорга қандай қилиб кириб боради, деган саволларга жавоб берилади. Унда маҳсулотнинг айрим турлари бўйича даромадлиликнинг аниқ прогнозлари келтирилиши лозим.

Носиржон ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Суратда: «АСШАХ» ўзбек-турк қўшма корхонаси илғор ишчиси Адҳамжон Юсупов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАКТАБ – ЯНГИЛАНИШ ОСТОНАСИДА

(Акс-садо)

Мен жамоатчи мухбир ва фахрий сифатида "Миллий тикланиш" газетасининг 7 май сонида берилган "Бугун нима ўзгарди?" мақоласини ўқидиму, юракда ётган фикрларимни ёзишга киришдим.

Мақолани ўқиб мансабдорларнинг миллионлаб маблағни мақсадсиз талон-тарож этганлари, суиистеъмолчиликка йўл қўйганларини ҳамма билармикан? — деб ўйлаб қолдим.

Содда, ҳалол-пок, виждону иймонли, фақат ўқитувчиликни касб қилиб олганлар эртанги дарсини, ўз ўқувчисини билимдон қилишга тиришади. Мактабда 5 — 6 соат дарс бериб, чарчагани етмай ярим тунгача дафтар текширади, кўргазма тайёрлайди, конспект ёзади, синф йиғилиши ёки ота-оналар мажлиси учун маъруза тайёрлайди, фанидан мушоира, адабий кеча, китобхонлар конференцияси ўтказиш учун тайёргарлик кўради. Муаллимликка адашиб кириб қолганлар-чи? Қуруқ, конспектни дастак қилиб, фақат раҳбару, ўқувчини алдаб маош учун дарс ўтади.

Қани айтинг-чи ҳар иккисига ҳам бир хил ҳақ тўлаш адолатданми?

Кекса муаллим сифатида айта оламанки, халқ таълимида адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, бўлмас экан, таълим соҳасида олға силжиш бўлмайди.

Машаққатли, оғир касбнинг нонини ҳамма ҳам ея олмайди. Бунинг учун сабру бардош, чидам, тоқат, билимдонлик, меҳнатсеварлик қобилияти бўлиши даркор.

"Ерни иситар офтоб, инсонни безар одоб" деганларидай қанчадан-қанча устоз иснод келтираётир. Ўқитувчилар орасида беодоб, маишатбоз, порахўр, ичкиликбоз халқ, давлат мулкини талон-тарож қилаётганлар ҳам бор.

Ҳаммага аёнки бозор иқтисодиёти шароитида ойлик озлигини, шу маошни ҳам 2 — 3 ойлаб ололмаётганини баҳона қилиб тезда мактабни тарк этганларга нима дейсиз? Бунинг оқибатида мактабда эркак ўқитувчилар бармоқ билан санарли даражада қолмоқда. Ота тарбиясини олмаган фарзанд оилада ноқобил, қатъиятсиз, бетгачопар, майдагап бўлиб "улғаяди". Энди мактаб аёл муаллимларга қолгач, фарзандлар келажаги нима бўлади?

Эркак муаллимнинг мактабни тарк этиши оқибатида, ҳали ўқитувчилик касбини тўлиқ эгалламаган ёки дипломни сотиб олган, таниш билишлар ёрдамида пора эвазига олийгоҳни битириб олиб, номидеса арзигулик зиёкорлар топилади. Улар қалб кўри, билими, зиёси билан ёшлар онгини ёритиб, уларга ахлоқ-одоб, тарбиясини сингдирса, яна айримлари заҳматдан, оғир меҳнатдан қочганлар, раҳбарлик даражасига эришганлари борки улар ҳаё, номус, одобни унутиб ўқитувчи деган улуғ номга дарс бераётганлар истаганча топилади. Энг ёмони, жойларда номига қурилган, чала битган мактаблар кўп. Масалан, мен ишлаган эски мактаб авария ҳолатида эди. Югур-югур, ёз-ёз билан номига янги бино ҳам қурилди. Иситиш тармоғи янгилигида ҳам ишламаган, ости, усти бетонлиги учун ҳоналар совуқ. Ёмғир ёғса, чакка ўтади, фан кабинетлари янги техника асбоблари билан таъминланмаган. Қани айтинг-чи, совуқ хонада муаллим ва ўқувчи қандай ўтиради?

Ҳозирги мактаблар дарслик билан тўла таъминланмаган, кутубхоналар ғариб, бадиий асарлар кам. Хулласи, гап кўп, дард кўп.

Аммо, умид туғилди. Президентимизнинг "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармони чиқди.

Ўқитувчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва тариф ставкалари тизимини қайта кўриб истедодли, ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия жараёнига катта ҳисса қўшган ўқитувчиларни, бошланғич синфлар ўқитувчиларини рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш ҳукуматга топширилгани айни муддао бўлди.

Фармон талаблари беками кўст бажарилса, бизнинг фарзандларимиз биздан яхшироқ ўқиб билим олишларига имкон яратилади. Мен шундай бўлишини жуда-жуда истардим.

Нурмуҳаммад ХАЙДАРОВ.
Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани.

Узлуксиз таълим — ягона тизим

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилансин:

капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги мактаб биноларини бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар билан таъминаш;

таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш; умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидан).

Тадбиркорларга имтиёз

«OFS» МАШҲУР БЎЛДИ

Истайсизми йўқми, бир кун ўзингизни ўзингиз имтиҳон қиласиз: "Мен элимюртим, оилам учун нима қилдим? Ота-онам ишончини оқладимми? Ўтган умрим бехуда кетмадими? "Шу саволларга ижобий жавоб бера олсангиз, демак, бизга берилган буюк неъматдан унумли фойдалангансиз.

Бугун нафақат Бухорои Шарифда балки бутун республикада маълум ва машҳур «OFS» хусусий корхонаси ташкилотчилари ва ходимлари ўз-ўзларини имтиҳон қилганда енгилгина тин олишлари мумкин. Чунки, бу жамоа томонидан тикилган эркаклар, аёллар, болалар учун костюм-шимлар, хотин-қизлар дидига мос костюмлар республикамиз аҳолиси томонидан харид қилинмоқда. Ҳам арзон, ҳам сифатли. Харидор учун худди шу нарса ҳар доим жуда зарур. Қолаверса, одамлар учун керакли бўлишдан катта бахт йўқ. «OFS» хусусий жамоаси фирма ташкил топган 2002 йилда 2 миллион 250 минг сўмлик товар айланмасига эришган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич ўн мартага кўпайди. Қувонарли томони шундаки, жамоа солиқлар ва тўловларни ўз вақтида тўлаб боради. Бундан жамоа аъзолари ҳам, давлат ҳам манфаатдор.

Бугунги кунда хусусий фирманинг давлатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, шунингдек, Навоий, Зарафшон, Қарши шаҳарларида бир неча диллерлари бор. Хулласи, 3 нафар киши билан иш бошлаган «OFS»да бугун 35 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

— Яқин орада яна 30 кишилик иш ўрни ташкил этилади, — дейди биз билан суҳбатда хусусий корхона менежери Комил Фозилов. — Шаҳар ҳокимлигига мурожаат этиб 7 сотих ер олдик. Бу ерга модалар уйи қуришни решажаштиряпмиз. Аҳоли бу ерда бизнинг дизайнерларимиз маҳсулотлари билан таништирилади. Ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирадилар. Модалар уйи жамоамиз билан халқ орасида қўприк бўлишига умид қилаяпмиз.

Бугунги кун харидорининг диди баланд. У ўзи учун танлаб-танлаб либослар олишга имконияти бор. Модаларнинг тез-тез алмашиб туриши ҳам чеварларни тинмай изланишга даъват этади.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар уларни янада ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 390-қарорида белгиланган имтиёзлардан биз ҳам баҳраманд бўлдик, — дейди суҳбатдошимиз. — Тўланиши лозим бўлган, имтиёз туфайли ҳисоб рақамимизда сақланган 2 миллион сўмга янги, замонавий ускуналар харид қилдик. Ишчи-хизматчиларни рағбатлантирдик. Маҳсулотлар нархини харидорбоп бўлиши учун арзонлаштирдик.

Солиқ тўлашда берилаётган имтиёзлардан нафақат корхона, балки харидорлар ҳам манфаатдор.

Баҳодир КОМИЛОВ.

ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯДА АЙБЛАНДИ

Таэквандонинг олимпиада спорт тури сифатида тан олиниши ва 1988 йилги Сеул олимпиадасининг ўтказилишида Ким Ун Йонгнинг ҳиссаси катта бўлган эди.

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) собиқ вице-президенти Ким Ун Йонг Жанубий Корея суди томонидан порахўрлик ва коррупцияда айбланиб, 2,5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Уни 3 миллион доллар маблағни ўзлаштиришда ва 700 минг доллар миқдорида пора олишда айбдор, деб топишди. Судланувчининг ёши бир жойга бориб қолгани — етмиш учдалиги ҳамда унинг Корея спорти ривожига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, суд унга енгилроқ жазо қўллади. Ким Ун Йонг жазони ўташ билан бирга 672 минг доллар миқдорида жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

Наманганнинг меҳриборлари

ТАЪЗИМ СИЗГА, ФАРИДА ОПА!

Мақола ёзиш ниятида ҳузурига борганда қаҳрамонингизнинг бахтиёр кунлари устидан чиқиш журналист учун омад. Севинч тўла кўзларга, меҳр балқиб турган юзларга қараб, самимият уфуриб турган сўзларни эшитиш, ҳамма-ҳаммаси илҳоминги-зни қитиқлайди. Хурсандчиликка нима етсин.

Туғилган кунида одам ҳаммадан бошқачароқ юради. Бундай улуғ айёмда аёлларимиз уйида дастурхон тузатади. Келиши кутилаётган меҳмонлар ҳурмати учун пиширириқлар, таомлар тайёрлаш билан банд бўлади. Энг яхши кўрган ёки янги харид қилган кўйлакларини кийиб олади.

Бизнинг Фарида опамиз-чи? Шундай улуғ айём кунида ҳам даласида юрганини қаранг. Раиса аёллар ўзи шунақа бўлади. Даласини, даладаги ғалласи-ю ғўзасини ўйлайди. Хирмонлари донга тўлса, дастурхони нонга тўлса, шу куни унга байрам.

Фарида опа ким дейсизми? Наҳотки танимасангиз? Наманган туманидаги ўша машҳур «Ғайрат» ширкат хўжалиги раисаси. Ўзи ҳам раислик учун туғилган аёл. Синчков қарашлари, қатъият ва дадиллик билан сўзлашлари, уддабуронлиги, иқтисодни яхши биладиган тадбиркорлигини биринчи кўришганингиздаёқ сезасиз. Қишлоқ хўжалигида раҳбар бўлиб ишлашнинг лаззатларидан машаққатлари кўп десак хато бўлмас. Кунида муаммолар бор. Бирини қаловини энди топдим деганда, янгиси юз кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги ўзи шунақа, бободеҳқонини бир зум тин олдирмайди. Ҳаммадан эртароқ уйғонадиган ҳам, ҳаммадан кечроқ уйқуга ётадиган ҳам Фарида опага ўхшайдиган деҳқонбошилардир.

Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Наманган вилояти маркази билан туташиб кетган Наманган туманида ҳам ҳар йили ўзига яраша табиатнинг синовлари бисёр. Аммо тадбирли деҳқон ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этиб, белгиланган режаларни уддалаб юзи ёруғ бўлаверади. Фарида Аҳмедова шунақа тоифадаги раҳбарлардан. У бошқараётган хўжалик ҳар жабҳада илғор. Иқтисоди ҳам бошқа хўжаликларникидан анча илгарилаб кетган. Биргина ғаллачиликда ўтган йили ҳар гектардан 56,4 центнердан ҳосил олинди. Ғалла бўлиб ҳамки, уруғлик ғалла. Бу йилги дастлабки натижалар чакки эмас — 60 центнердан ошаётган майдонлар ҳам бор. Йигирма кунда хирмонлар кўтарилади. Ният холис — Оллоҳ баракасини берсин.

Фарида опанинг меҳнат ютуқлари, олган унвонлари, ишлаган лавозимлари хусусида ёзсак катта-катта мақолалар пайдо бўлади. Бугун мавриди келганда унинг инсонийлик хислатлари хусусида кўпроқ ёзишни лозим топдик.

У ота-онаси изидан борди, қуш уясида кўрганини қилади, дейилгани бежиз эмас. Отаси Аҳмаджон Қорабоев салкам ўттиз йил раислик қилган. Нури дийдаси — онажониси Турсуной Қорабоева хўжаликда бригада бошлиғи бўлиб узоқ йиллар ишлаган. Деҳқончилик, қолаверса, раҳбарликни оилада ўрганган. Аввал боши устозлари ота-онаси.

Фарида опа меҳр кўп кўргазган аёллар сирасига киради. «1981 йили эди, — деб эслайди опа. — Туман ижтимоий соҳасида раҳбар эдим. Қон босимим ошди чоғи, бошимга кирган оғриқ ҳадеганда қолавермади. Йўл йўлакай туғруқхона яқинига бориб қолибмиз. Қон босимимни ўлчатиш учун шу жойга кирдим. Шифокордан муолажани олиш чоғида нохуш бир хабарни гапириб қолишди. Янги туғилган чақалоқни онаси ташлаб кетибди. Энди бу гўдакни болалар уйига жўнатиш муаммоси ечилмай турган экан. Бош врачнинг ҳузурига кириб, чақалоқни болалар уйига топширмай туришини илтимос қилиб, уйга, турмуш ўртоғим ёнига шошилдим. Аввалига муддаомни эшитган хўжайиним ўйланиб қолди: «Ота-онаси кимлигини билмаймиз-ку, бу ёғи қандоқ бўларкин?»

Гўдакда не гуноҳ бор, у исломий китобларда янги туғилган чақалоқ мусулмон бўлиб дунёга келишини ўқиганимни, бу улуғ савоб иш эканини айтдим. «Учта фарзандимиз тўртта бўлса бўлсин, боринг, олиб келинг, боқиб оламиз». Ўн уч кунлик қизчанинг исмини Дилфуза деб номладик. Бирам ширин, бирам ширин қиз бўлдики, болалигидан бизга — ота-онасига меҳрибон чиқди. Туққан эмас, боққан она, деб оқ ювиб оқ тарадик. Яхши тарбия бердик. Бугун Дилфузанинг ўзи она бўлган — уч ёшли Дилшода набирамизни парвариш қилаётир.

Меҳрибонлик шу даражада бўлдики, 18 ёшга киргунича Дилфуза ўз тақдири — кечмишини билмаган. Тўғриси, уни эҳтиёткорлик билан авайлаб — кўнгли ўксимасин учун айтишмаган. Турмушга чиққан кунлари маҳаллабоши онахон кўзларига ёш олиб — йиғлаб туриб асл зотида саҳовати бор, эҳсони кучли Фарида опа ҳаққига дуо қилаётганида беихтиёр Дилфузахонни ўзининг фарзандидан ҳам зиёда қилиб боқиб, тарбиялаб, турмушга узатаётганини эътироф этиб юборган.

— Яратган Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, Дилфуза қизим шу кундан эътиборан менга ўн чандон ортиқ меҳрибон бўлиб қолди, — дейди Фарида опа. — Тақдир экан, умр экан турмуш ўртоғим шу кунларни кўролмади, ёш оламдан ўтиб кетди... Илоҳим оҳирати обод бўлсин, Оллоҳнинг раҳматига ёр бўлсин.

Фарида опанинг кўзларида мунг кўрдим. Бир ёкда оила аравасини, яна бир ёкда хўжалик аравасини айрим эркаклардан зиёдароқ тортаётган аёлга таъзим қилдик, таъзимлар қилдик.

Шу тобда опанинг қўл телефони жиринглаб қолди.

— Раҳмат, сизга, эътиборингиз учун раҳмат. Кечқурун уйга келинг, кутаман, азиз меҳмоним бўласиз.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Софияхон Раҳимова туғилган куним билан қутлади. Жуда эътиборли аёлда, деб Фарида опа севинганини яшира олмади. Тасодифни қаранг-ки, София опа ҳақида бундан бир йил аввал очерк ёзгандим. Ўшанда Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг раиси бўлиб ишларди. Мана ўн кун бўлибди, вилоят хотин қизларига бошчилик қилаяпти экан.

Фарида опа билан вилоятда аёлларга муносиб эътибор берилаётгани хусусида гаплашдик. Аёллар ҳам шунга яраша вилоят шон-шуҳратини оширишда хисса қўшаётганини эътироф этдик.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ва унинг бош нашри «Миллий тикланиш» газетаси истиқболлари хусусида ҳам фикр алмашиб олдик. Опанинг ҳиммати тутиб, кам таъминланган, зиёга интилувчан ва илғор меҳнаткашлардан ўн нафарини хўжалик ҳисобидан иккинчи ярим йиллик учун газетага обуна қилиш ҳақида бош ҳисобчи Собитхон Абдуллаевга телефон қилиб топшириқ берди.

Фақат бир шарти борлигини ҳам рўйрост айтди.

«Янаги сафар Наманган вилоятига келганингизда устозим, Наманган Педагогика коллежи директори Ҳосият опа Аҳмедова ҳақида бир ёзсангиз, нур устига нур бўларди. Ҳосият опанинг мендақа юзлаб шогирдлари бор».

Ҳа, албатта Наманганнинг эъзозида юрган аёллар ҳақида «Миллий тикланиш» ҳали кўп ёзади. Яхши ният, ярим мол дейдилар. Яна тўрт йилдан сўнг олтмишга кирганингизда ҳам, бир ажойиб мақола ёзамиз. Ғайрат тулпорида парвоз қилаверинг, Фарида опа!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Мумтоз адабиёт: қайта мутолаа

АЁЛ ФОЖИАЛАРИ

XX аср адабиётимизда Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари, фожиавий руҳнинг устиворлиги билан фарқланиб туради. Албатта, бу унинг умр бўйи мафкуравий-сиёсий тазйиқни ҳис қилиб яшагани билан белгиланади. Аксарият асарларининг фожиавий йўсинда ифода этилиши, у танлаган қаҳрамонларнинг инсонлик шаъни поймол этилаётган "кичик одамлар", "нодон кимсалар" бўлишини профессор У. Норматов улкан истеъдодлар табиатида тушуниш, тушунтириш қийин бўлган илоҳий хислатлар билан изоҳлайди. Эътибор берсак, "Сароб" романидаги етакчи қаҳрамонлар қисматида фожиавийлик кучли. Аммо асарда эътиборга чалинмайдиган ўхшаш, шу билан бирга аянчли қисмат эгаси бор. Бу — Саидийнинг опаси. У билан боғлиқ лавҳаларнинг биронтасида нурли лаҳзалар кўзга ташланмайди. Ёзувчи бу аёл ҳаётини тўла ёритмаса-да, унинг нутқи орқали эри билан кечирган дамларини, Муродхўжа оиласидагилар муносабати орқали шафқатсиз қисматини билиб оламиз. Агар Муродхўжа домланинг нафси Саидийни турли балоларга гирифтор қилган бўлса, опаси шу хонадонда сўнгсиз азоблар ичида яшашга маҳкум.

Саидий опасининг фожиаси Мунисхонникига ҳам, Сорахонникига ҳам ўхшамайди. Бу уч аёл аслида уч хил қисмат эгалари. Агар Сорахон ўзини англашдан ожиз бўлса, Саидийнинг опаси қисматини англаб турган ҳолида ожиз. Албатта, фожиавийликда ечимсиз зиддият ва шу орқали юзага келадиган изтироб ҳамда армон етакчилик қилади, кўп ҳолларда китобхон психикасига таъсирини ўтказади. Опанинг изтироблари, маънавий нотўкис, аҳлоқан нопок эри туфайли ука дийдорига тўя олмаслиги, айниқса, "ҳеч бўлмаса поччанг йўқ вақтларда ҳам бормайсан... Иккovимиз қолдик. Бошқа кимимиз бор?" дейишлари бизни бефарқ қолдирмайди. Опанинг гап-сўзларида мунг бор, изтироб бор. Ҳар safар Саидийга "менинг кимим бор?" деб зорланиши бу аёл ҳаётига чуқурроқ разм солишга, қалбига қулоқ тутишга ундайди. Турмушига назар солинса, рўзғорининг кундалик ташвишларидан ортмайдиган, жуда содда ва гўл эканлиги англашилади. Шу боис, эри уни хоҳлаган куйга солади. У ўзлигини, ҳаётини эрига қурбон қилган ва буни бошқалар каби табиий деб билади. Эрга итоат одат тусидан чиқиб қонун тусини олган. Эрга оила бошлиғи сифатида қараб, унинг ҳурматини ўрнига қўйиш ўзбекларнинг азалий одати. Буни ёзувчи жуда яхши англаган кўринади. Аммо эрнинг хотинига номуносиблигидан аёл Қурвонбиби ("Кеча ва кундуз"), Олимбек додҳоҳ хотинлари ("Даҳшат", Унсин бундан мустасно), Жанна (Ги де Мопассан "Ҳаёт")га ўхшаб кетади. Эрининг хиёнатларини кўра била туриб яшайвериши, хўрликларга қарши лом-мим демаслиги таъсирчан ифодасини топган. Эридан айри яшашни тасаввур эта олмаслик, айрилиқни фожиа деб ҳисоблашининг эр зулмига чидашни тақозо қилиши бахтсиз аёл мисолида кўринади. Аёл табиатида қуллик, мутелик психологияси устун. Эрга кўр-кўрона сажда қилиш уни ўзлигидан, болаларидан, эридан айирди. Ўз қадрига етмаслик эри томонидан инсонлик шаънининг топталишига сабаб бўлди. Кўзи кўрмай, оёғи шол бўлгач эса ортиқча буюмдек бўлиб қолди. Саидий опаси ва Жанна характерларига хос умумий концентрлашган жиҳат бор. Бу уларнинг ҳар жиҳатдан омадсизлигида, бахтсизлигида. Сабаби, фожиа уларнинг ўзида, ботинида. Юзага келган иложсиз, зиддиятли вазиятлар ўзлари туфайли, ҳеч ким, ҳатто ўзлари ҳам ўзгартиришга қодир бўлмаган табиатлари туфайли рўй беради. Шундай бўлса ҳам, Жаннадан фарқли Саидий опаси характерига маҳаллий колоритнинг таъсири борлигини айтиш жоиз. Шу туфайли у эрига хўжасига бўйсунган қулдай бўйсунади. Буни ўзи учун ҳақ деб билади. Аммо опа ва уканинг иложсиз ҳолларда саргардон бўлишига, тақдирларининг янада чигаллашувига туртки берадиган муҳим ижтимоий сабаб борки, бунга тўхталмаслик мумкин эмас. Асар матнига эътибор берилса, на Саидий, на унинг опаси муҳим бир ватанга эга. Адиб ҳам уларнинг ўз уйлари бўлган-бўлмагани хусусида маълумот бермайди. Фақатгина айрим ишоралар орқали Саидийнинг гоҳ хужрада, гоҳ почча уйида яшаганини биламиз. Ўхшаш ҳол: опа ҳам, ука ҳам табиатан мутеликка мойиллиги туфайли ҳаётлари яхши кечмайди. Агар аёлнинг пешонасига қайта яшаш ёзилганда ҳам бундан ўзгача яшай олмас эди. Тушунишимизча, бу хусусият ота мерос; у ҳам кучсиз ирода туфайли ўзини ўлдиргани ҳақиқатга яқинроқдир.

"Осмон йироқ, ер қаттиқ. Қўл — оёғинг йўқ бўлса ҳам эркак бўлгин экан" ("Сароб", 132-бет). Бу опанинг ҳаётдан чиқарган қатъий хулосаси. Ҳаёти қай йўсинда давом этишини билмайдиган, ҳар гапнинг бирида "зорайики Худо шифо берса... Тузалай ахир, Худо бир йўлга бошлар..." деб эрига инсоф тилашдан ўзга иложи қолмаган муштипар аёлга на Саидий, на ёзувчи ёрдам бера олади. Худо уни бандам деб яратгану тақдир чиғириқларига аёвсиз отган. Муродхўжа уйида кун йўқ, аммо ортга ҳам йўл йўқ: эр ундан воз кечган. Касалманд аёлга, лоақал фарзандларининг онаси сифатида ёрдам беришни хоҳламаган, эрни кутишдан чарчамаган аёлни мажбуриятга ундовчи куч ҳам, эрининг разил ҳаракатларини табиийликка йўйишга мажбур қилган истак ҳам номувофиқ, иложсиз вазият эди. Бу ҳолат аёл нутқида янада равшанроқ кўринади: "Ҳар куни уйдан биттаиккита меҳмон узилмайди. У меҳмонлар хотин олиб келишади... Тонг отгунча мен хизматда... Улар харом иш билан... мастлик... Бир куни ошхонада ўчоқ олдида ўтириб, саҳарга яқин кўзим уйқуга кетибди, чой, деган экан, эшитмабман. Шунга чиқиб икки-уч тепиб юборди. Шу учта гўдак туфайли шуларга ҳам чидадим. Кейин бир оёғим баттар бўлиб юролмай қолган эдимки, ташладиқўйди. Эртадан кечгача очоч ўтираман. Кўчадан келиб ҳолинг нима демасдан, уйга киради-кетади. Уйдаги озиқ-овқатни ҳам сандиққа қулфлаб олди. Кейин билсам, мени шундай қилиб зериктирмоқчи бўлган экан" ("Сароб", 250-бет). Биргина лавҳа аёлнинг бутун ҳаётини тасаввур қилишимизга ёрдам беради, бироқ эрининг бошқа аёлга кетиб қолгунигача эътибор қилмаган аёлни айбламай бўладими? Уйдан истаган нарсани топа олмаслик кўчага интилишга сабаб бўлишини опа, афсуски, жуда кеч тушунди. Ҳаёти фақат эр уйида ўтса-ку, изга тушиши мумкин эди, бадбахт аёлнинг пешонасига Муродхўжа домланинг уйида яшаш битилгани ачинарли ҳолдир. Энди у бир умр "булбулигўё"нинг таъналарини эшитишга мажбур. Ҳатто опага нисбатан таҳқирона муносабат у ташриф буюрган биринчи кунданоқ бошланиши бу оилада рўй берадиган келгуси савдоларнинг дебочаси эди. Албатта, бировнинг уйида "шабкўр", "ўлимтик" лақабини орттириб яшашнинг ўзи аянчли.

"Ёзувчи мутелик, итоаткорлик, қуллик психологиясини фақат миллий фожиа эмас, истибдод сиёсатининг ҳосиласи, умуминсоний драма — фожиа даражасига кўтаради", — деб ёзади У. Норматов, Саидийнинг опаси ўз тақдирини ўзгалар қўлига, маккор ва хавфли кимсалар ихтиёрига бериб қўйгани учун ҳам ҳалокатга юз бурди. Шўрлик опа қайнотасиникига етарли шароит қидириб келган укасининг ўзи туфайли мутелигини билади: "О, Раҳимжон ука, билмайсан! Агар мен Худо деб тинч ўтирсам, рўзғоринг кундан-кун аччиқ бўлар эди. Булар мен нотавонни шунчалик сўраяпти-ю, тағин ҳам сенинг ўлмаган жонинг! («Сароб», 265-бет). Биргина монологда аччиқ ҳақиқат. Опа Саидий бошини эгмаслик учун рўзғор юмушларига қарашар, аммо сўгина ёрдам орқасидан келадиган фалокатнинг жабрини тортишга мажбур бўлар эди. Бугина эмас, домланинг ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ қабилидаги гаплари бахтсизликдан адо бўлган юрагини парчалар эди. Бир куни домла опанинг олдида "Худо ҳар кимни ўз феълига яраша куйга солади" деди. Опа индамади, ерга қаради ва ҳилватга кириб йиғлади. Унинг йиғлаганини билиб қолган домла: "Кўз ёшининг хосияти йўқ, касб-корга басталик келтиради. Менинг уйимда йиғламанг", деди. Шундан сўнг опа ҳамма вақт домлани кўрганда ўзини эўрлаб очиқ чеҳра билан турадиган бўлди. Бироқ бу ҳам домлага ёқмади. "Нега сиз ҳамиша хушвақтсиз, уч боладан айрилган, оёқсиз киши ҳам бедард бўладими? деди" ("Сароб", 256-бет). Шундан сўнг бу аёл руҳиятидаги ўзгаришни тасаввур қилинг. Ачинарлиси, унинг фожиасида интиҳо йўқ. Уни қутқаришга ёзувчи ҳам ботина олмайди.

Аёл учун уканинг рутбаси баланд. Эрига айтолмаган, фарзандларига айтолмаган сирларини укага айтишга шошилади, ундан нажот излайди. Аслида укага интилиши унинг нажотсизлигидан эмас, қонқонига сингиб кетган қариндошчилик туйғуси уни Саидий томон ундайди. Қиёфасиздай кўринган аёлнинг қиёфаси ҳам шунда кўринади. Севикли инсони Мунисхон ҳам, хотини сифатида Сорахон ҳам Саидийни авайлаб-асрамагани ҳолда ногирон, кўнгли ярим опанинг ўзини қурбон қилиб укани асраши қондошлик туйғусини улуғлиги билан белгиланмайдими? Унинг қиёфасизлиги инсоний фазилатлари туфайли қиёфа касб этадики, шу тарафлама у Сорахондан ҳам, Мунисхондан ҳам юқори туради. Асарга шунчалик жозиба бағишлаган аёлнинг шахсий ва оилавий ҳаётда бахтсизликка учраши ҳамда фожиасининг мукаммал ифодаланиши Қаҳҳорнинг хос маҳоратидир.

Хуршида ҲАМРОҚУЛОВА,
филология фанлари номзоди, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи катта илмий ходими

ЯШИРИН ЦЕХ

Қорақўл туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилаётган рейд-текширувлар чоғида мазкур тумандаги аксарият қонунбузар тадбиркорлар фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар далиллар асосида фош этилмоқда. Қонунни атайин бузган «уддабурон» фуқароларга нисбатан қонуний йўл билан жазо чоралари кўрилмоқда. Қорақўл шаҳридаги «Бухоро» кўчаси 7-уйда яшовчи, 1972 йилда туғилган фуқаро Умид Бебутовнинг ўзи яшаётган уйда ёғ ишлаб чиқаришга мўлжалланган яширин цех ташкил этгани аниқланди.

Қонунга зид равишда фаолият тури билан шуғулланишнинг охири вой бўлишини Умид жуда яхши билса-да, нафсини тия олмай, хаёлан тузган режалари келгусида яхшигина даромад беришидан умидини узолмай фаолиятини давом эттираверган.

Текширишлар чоғида ёғ ишлаб чиқаришга мослаштирилган мазкур яширин цехда ҳеч қандай ҳужжатларсиз, махсус рухсатномасиз, ёғ ишлаб чиқариш қоидаларидан мутлақо йироқ ҳолда қўлбола тайёрланган мосламалар ёрдамида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқарилаётгани аниқланди. Энди қонунга беписанд қараган тадбиркор қонуний жазо олиши муқаррар.

Нурали БОЛТАЕВ,
Қорақўл туман давлат солиқ инспекцияси ходими.

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК"ДА ОМОНАТГА ХИЁНАТ ҚИЛИНМАЙДИ

Мамлакатимизда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг нуфузи йил сайин ортиб бораётир. Шу банк тармоқлари билан ҳамкорлик қилишни ихтиёр этаётган мижозлар салмоғи ҳам кўпаймоқда. Айниқса, банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалар миқдорини юқори даражада ошириш учун барча имкониятлар ишга солинаётир.

«Ўзсаноатқурилишбанк» Андижон минтақавий филиалида ҳам мамлакатимиздаги бошқа банклар сингари ушбу вазифани бажариш учун аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини банк кассаларига жалб қилишга катта эътибор берилаётир.

Бозор иқтисодиёти банклар орасидаги рақобатни кучайтирди. Мижозлар учун жуда катта танлаш имконияти мавжуд. Қайси банкда жамғарма учун бериладиган фоизлар миқдори юқори ва ўз вақтида тўлови кафолатли ҳамда ишончли бўлса ўша банкка ошиқилади. Андижон минтақавий филиали тасарруфида 5 та жамғарма касса мавжуд. Уларда мижозларга юқори маданиятли хизмат кўрсатиш, хушмуомалалик билан жуда тезкор тарзда уларнинг истакларини бажо келтириш муҳим эканини жамғарма кассалар ходимлари ҳар дақиқа ҳис қилади.

Ўтган йилнинг шу давридаги ҳолатга таққосланса, 2004 йил 1 июнга келиб аҳоли омонатлари 2,3 баробарга ортди. Бунга, албатта, «Ўзсаноатқурилишбанк»бошқаруви ташаббуси билан "Хазина — 1", "Хазина — 2", "Кафолат-1", "Кафолат-2"тақдим этувчига деб номланган янги омонат турлари жорий этилиши омонатчи мижозлар сонининг ортиб боришига ўз таъсирини кўрсатди.

— «Ўзсаноатқурилишбанк» жамғарма кассаларидаги 11 турдаги омонатларга қабул қилинаётган омонатлар аҳолининг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда жорий этилган, — дейди пул муомаласи бўлими бошлиғи Муяссархон Ҳакимова. Бу омонатлар турли муддатларга қабул қилиниб, юқори даромад тўланиши ва қулай шартлари билан бир-биридан фарқ қилади. Айниқса, тўрт ойлик "Тақдим этувчига", автокредит олиш имконини берувчи "Ишонч" ва аҳолига маиший хизмат тўловларини амалга оширишда қулайлик яратувчи "Маиший хизмат тўловига" каби омонатларга кўплаб ҳамюртларимиз ўз пул маблағларини қўйишаётир.

Шу билан бирга аҳолига жамғарма кассаларда коммунал хизматлар учун тўловлар қабул қилинаётир. Шартномалар асосида ташкилотларнинг ишчи хизматчиларига иш ҳақларини тўлашда касса хизматини кўрсатаётир. 2004 йилнинг беш ойида кассалар орқали коммунал тўловларга 17 миллион сўм қабул қилинди, 150 миллион сўм иш ҳақи тарқатилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» билан АТ "Русславбанк" ўртасидаги «Contact» вакиллик тармоғи доирасида жисмоний шахсларнинг тармоғи доирасида жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги пул ўтказмаларини амалга ошириш тўғрисидаги шартнома тузилганига икки йил тўлди. «Contact» пул ўтказмалар тизими орқали чет элда ишлаётган ҳамюртларимиз жўнатган маблағларни уларнинг оила аъзолари 24 соат мобайнида олиш имконига эга бўлмоқда. Манфаатли томони шундаки, «Ўзсаноатқурилишбанк» хизмати фоизи паст яъни уч фоизни ташкил этади. Шу йилнинг беш ойида, «Contact» тизими орқали 1 миллион 799 минг 640 АҚШ доллари миқдорида маблағлар жўнатилган.

Шахрихоннинг Қўрғонча қишлоғида истиқомат қиламан, — дейди Саломат Мирзаахмедова. — Турмуш ўртоғим Россия Федерациясининг Москва шаҳридаги қурилиш ташкилотида ишлайди. Ҳар ойда ойлик маошларини жўнатиб турибди. Москвадан жўнатилган маблағни бир кунда, муаммоларсиз вақтида олдим. Бу қулайликдан жуда мамнунман.

Пул олиш учун касса ёнида турган кишилардан яна бири ўзини Авазбек Турдалиев деб таништирди. Унинг укаси Ҳасанбой ҳам Москва шаҳрида ишлар экан. Йил бошидан буён «Contact» тизими орқали маблағ жўнатиб турганини ва бу маблағларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз олаётгани ҳақида айтди. "Миллий тикланиш" газетасидан эканимизни билгач, у «Ўзсаноатқурилишбанк» ходимларига газета орқали миннатдорчилик билдириб қўйишимизни илтимос қилди.

Дарҳақиқат, ишончли ва кафолатли «Ўзсаноатқурилишбанк» хизматларидан фойдаланинг, асло ютқазмайсиз.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

Хўжа Аҳмад ЯССАВИЙ:

"Бешак билинг бу дунё барча халқдин ўтаро"



Шарқ оламининг улуғ сиймоларидан бири Алишер Навоий тавсифи билан айтганда ислом дунёсининг "Шайхул машойиҳ"и Хўжа Аҳмад Яссавийдир. "Каромати зўр" валий, буюк мутасаввуф Аҳмад Яссавийнинг номи, иши, таълимотига инсониятнинг қизиқиши беқиёс. Умрбоқий ҳикматлари хидоят йўлига етаклаш қудратига эга. 1993 йилни "Яссавий йили" деб халқаро ЮНЕСКО ташкилоти эълон қилганди. Бу қарор ҳам бобомиз хазрат Хўжа Аҳмад Яссавийнинг буюклигидан далолат.

Бешак билинг бу дунё барча халқдин ўтаро,
Инонмагин молингга, бир кун қўлдан кетаро.
Ота, она, қариндош қаён кетди фикр қил,
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун санга етаро.
Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Аҳли аёл қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,
Мардона бўл ғариб бош, умринг елдек ўтаро.
Қул Хўжа Аҳмад тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг, обу гил, яна гилга кетаро.

Мана қарийб саккиз асрдирки, Хўжа Аҳмад Яссавий таълимотига, унинг ҳикматларига қизиқиш кучайгандан кучайиб бораётир. Бу унинг номи, асарлари, таълимоти умрбоқийлигидан далолатдир.

Туркистон шаҳридаги бобомиз Аҳмад Яссавийнинг мақбараси жуда обод бўлган бу муборак гўшани зиёрат қилиш учун жаҳоннинг турли мамлакатларидан сайёҳлар келиб туришади.

Суратда: Аҳмад Яссавий мақбараси.

БУЛБУЛИМ УЧДИ ҚЎЛИМДАН

Ҳикоя

Ҳалимахон кўнгилдагидек оила билан қуда бўлаётганларидан қанча қувонмасин, барибир, қизининг юриш-туришларидан ноқулайлик сезар, айниқса, эрининг олдида ҳижолат тортарди. Ўзининг қизлик пайтини эслади: уйга совчи келди, дегунча ҳеч кимга кўринмай, эшикданми, деразаданми қочиб чиқиб, уч ҳовли наридаги амакисиникига кириб олар, ўша куни ҳамма ухлагани ётгандан кейин уйларига қайтиб чиқарди. Куёвга унаштирганларидан кейин-ку, уч кунгача икки қизи билан бева қолган холасиникидан келмаган. Уйларига қайтгандан кейин ҳам иложи борича акалари, отаси билан юзма-юз келмасликка интилар эди...

... Қизи Нодира бўлса, тавба... қудалар патир синдириб, тўй фурсатини белгилаб кетишган куни ҳам худди ҳеч гап бўлмагандек, дастурхон олдида дадаси, ўзидан икки ёш катта акаси Миркомил билан гаплашиб, кулишиб ўтирди. Қайтанга, қизидан кўра отаси — табиатан юмшоқ, кўнгилчан одам — яна ҳам мулойим, ўйчан бўлиб қолгандай...

Ҳалимахоннинг назарида, қизи гарчи ўзига ёққан йигитга турмушга чиқаётган бўлса-да, бошқалардан уялиши, андиша қилиши керак эди.

Она аста-секин бунгаям кўникди: "Замонасига қараб ёшлар ўзгаравераркан-да..." Яна бир воқеа эсига тушдики:

Ўшанда институтнинг тўртинчи курсида ўқирди. Бир куни уйларига келса, кўшни Хайринисо ая билан онаси гаплашиб ўтиришибди.

Ваалайкум ассалом, — деди Ҳалимахонни бағрига босиб. — Ўқишинг битай деб қолдими? Ишқилиб, бу қизимга дипломли куёв учрасин-да!

Кутилмаган гапдан юзлари дув қизарган Ҳалимахоннинг кўзи тушиб қолди: онаси қўшни аёлга "жим!" деган маънода бармоғини лабига босди. Қиз шарт ўрнидан туриб ташқарига йўналганди, орқасидан онасининг шивири эшитилди.

Вой, вой! Бу ҳақда гаплашмаймиз, дейсизми? — деб шарақлаб кулди Хайринисо ая. — Сиз билан бўлмаса, қизлар билан хўпам гурунг қилишар куёв ҳақида! Менинг қизим ўн олтига кирди, ҳеч нарсани яширмайман! "Уялади", — дейсизми, қўйинг-э!..

Бу воқеа бўлиб ўтганигаям беш йилдан ошибди. "Ўшандаям ҳар хил оилада ҳар хил вазият экан-да!"

Лекин эртага тўй деган куни, келди-кетди тезлашиб бораётган, маҳалла оқсоқоллари маслаҳатга тўпланишган пайтдаям Нодиранинг бемалол уйдан ҳовлига кириб чиқиб юраверишидан она қаттиқ ҳижолат тортди-ю, ўзи бир кунликка меҳмон бўлиб қолган қизига танбеҳ беришга тили бормади.

Никоҳ куни пешинга яқин Миркомилнинг ўртоқлари ҳовлига жой тайёрлашаётганди, Нодира ҳовлида бир-икки кўринганди, ўғил онасини четга тортиб:

— Қизингизга айтинг энди, — деб гап бошлаганди, ёнларидан Нодира ўтиб қолди. — Нодира! — деб унга юзланди Миркомил, — бор, ичкари уйга кир, ишинг бўлса аямга, ана, холамга айт!

Нодира ҳайрон бўлиб бир зум онасига қараб турди-да, шарт бурилиб уйга кириб кетди, қайтиб кўринмади.

Ҳаётнинг мураккаблиги шу-да, "энг аввало қиз боланинг бахтини берсин!" — деб кечасию кундузи Нодиранинг бахтини сўраган Халимахоннинг кўнглига қизини унаштирганларидан буён аллақандай ўкинч тўлиб борарди. Вақти келса, ҳалиям ёш боладай эркалатгиси келади қизини. Нодиранинг ҳудди ҳеч гап бўлмагандек, отаонасининг бағридан узилиб кетаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаётгандек, ҳатто тўй куниям ҳеч нарсага парво қилмай юришлари... Халимахон: "Эй Худойим, бахтини бергин!" — деб дилида тинмай такрорлар, шу тилак билан кўнглидаги ҳарки бошқа хаёлларни қувмоққа интиларди.

Кўни-кўшни, қариндош-уруғлардан қанчаси келиб кетишди. Куда хотинларни, ноғора, карнай-сурнай билан келган куёвжўраларни кузатишди. Сиртдан қараганда, Ҳалимахон ҳаяжон, шовқин, шитоблик билан ўтаётган удумлар орасида эди-ю, аслида, одамлар ичра сурати юрарди, холос. Шунинг учун ҳамма ишни синглиси Ҳабиба бошқарарди.

Куда томондан келинни олиб кетишга қолган янгалар шошилтира бошладилар:

— Келинни тезроқ олиб чиқинглар! Никоҳ уйи ходими ЗАГС қоғозини топширади, кутиб қолмасин!

Бу гапдан Халимахоннинг юраги бадтар увишди. Қудаларнинг шошилтириши билан келин ўтирган хонага кириб чиққан Хабиба опасига зимдан қараб пастки лабини тишлади-ю, яқин келиб шивирлади:

— Қизлар кийинтирашаяпти, парвойига ҳам келгани йўқ. Ўзини ойнага солиб кулиб утирибди! Ҳеч бўлмаса, исми-расмига кўз ёши қилиш кераклигини айтмаганмидинг қизингга?!

Халимахон деворга беҳол суянди, нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. "Уятсиз, бети қаттиқ қиз экан. Эрга тегаман деб учиб турган экан", — деган иснод келсая қизимга..." — онанинг ич-этини шу гап кемирарди. Кўз олдида қизлар, аёллар келин ўтирган хонага неча марта кириб чиқишди. Бир вақт... Нодиранинг:

Йўқ! Йўқ! Аяжон! — деган овозидан чўчиб тушди.

Она оёқлари чалкашиб ўша томонга юрди. Хотин-халаж уй айвони олдига йиғилишиб борар, Нодиранинг:

— Йўқ, бормайман! Қўйворинглар! — деган овози, йиғиси эшитиларди.

— Нодиражон, сен ақлли қизсанку, бунақа қилма, — деган овози эшитиларди Ҳабибанинг.

— Йўқ, керакмас, уйимиздан ҳеч қаёққа кетмайман! — деган аламли нидо келди-ки, Халимахон бағрини очиб беихтиёр ўша томонга талпинди. Нодира айвон остонасига ичкари томондан оёқларини тираб олганми, холаси билан яна бир қиз уни остона хатлатишга уринишарди.

Халимахонга кўзи тушиб қолган қўшни Ойхон чевар унинг қўлидан ушлаб бошлади:

— Аяжониси, сиз бу ёққа юринг! Вой, уят-а, кўзингизни артинг! Қизингиз кўрмасин! Ота уйидан йиғлаб чиқмасин, ёмон бўлади!

Ойхон чевар Халимахонни ҳовли саҳнига бошлади. У ерда ёнма-ён қўл қовуштириб туришган эри ва ўғлининг ёнига олиб келиб:

— Мана бу ерда туриб, қизингизга хурсандчилик билан оқ фотиҳа берасизлар!

Бу пайт оппоқ кийимдаги Нодиранинг бошидан сирғалган харир пардани йўл-йўлакай тўғрилаб ота-онаси томон олиб келишарди.

— Ота-онангдан розилик сўра, пошша қизим! — деди маҳалла қайвониси дастурхончи Кароматбиби.

Харир парда уни тўғрилаётганларнинг қўлида қолди, Нодира худди ҳалоскорини топиб олгандай, учиб келиб отасининг елкасига бош қўйди.

— Дадажон, олиб қолинг мени! Жоон дадажон!

Ҳабиба Нодиранинг бошига рўмолни ташлади, қўлларидан ушлаб орқага тортди. Ҳабибанинг ҳам кўзлари, бурни қизарган эди.

— Дадаси, оқ фотиҳа беринг, қани, яхши ниятлар қилинг!

Кўзларидан ҳудди ёш бола каби дувиллаб ёш тўкилаётган ота қўлини фотиҳага очганча, титраётган лаблари сўзга келмай анча турди, кейин:

— Бахтли бўлгин, қизим, Аллоҳ бахтингни берсин! — деб қўлини фотиҳага тортаркан, Нодира:

— Акажон! — деб Миркомил томон талпинди, — мени олиб қолинг!..

Лекин бу сафар келиннинг икки ёнидаги аёллар хушёрлик қилишди, Нодирани маҳкам ушлаб туришарди. Миркомил изтиробларини енгиб синглисига яқинлашди, ўзига томон чўзилган оппоқ, нафис қўлларни ушлади:

— Бахтли бўл, синглим, мендан хафа бўлма... — аканинг сўнгги сўзи титроққа қўшилиб кетди, юзига ихлос билан фотиҳа тортди.

— Онангнинг, отангнинг розилигини ол, — дедилар атрофдагилар.

Игнам учи синди, деб урдинг, онам, ёр-ёр,
Кетар бўлдим уйингдан, қолдинг, онам, ёр-ёр.

Ҳалимахон карахт турарди. Шу пайт... Нодираси ақлини танигандан буён айтган "Аяжон"ларининг ҳаммасиям бир томон бўлди-ю, бу сафаргиси — бир томон! Унинг онасига тикилиб қолган кўзларида қисматга кўникиши шарт бўлган иложсизлик лимиллаб турарди. Нодира фариштадай бе-озор юриб келди-да, шундоқ ҳам тўкилиб турган вужудни қаттиқ кучоқлади, тиззалари аста букилиб, чўккалаб ўтирди-да, онасининг оёқларини қучиб, бутун жисму жони илтижога айланиб шивирлади:

— Аяжон!.. Аяжоним!.. Мени уйимизда олиб қолинг! Ёнингизда қолай, аяжон! Бир умр хизматингизни қилай, аяжон! Мен сизнинг хизматларингизни қилолмадим, аяжоним!..

Гарчи паст овозда бўлса-да, Нодиранинг гаплари ҳаммани титратар, кўнгли бўшлар "пиқ-пиқ" йиғларди.

— Ҳай, ҳай, ҳай! — деди бирдан Кароматбиби. — Кўз ёши нимаси, Халимахон?! Қани, яхши ният қилинг!

Халимахон синглиси ва бир аёл зўрға ўрнидан турғазган Нодиранинг юзлари, сочларини силади, кўзларига ўтдай кўринаётган қизини бағрига босди:

— Мен сендан мингдан-минг розиман, қизим! Худойим бахтингни берсин, омин!

Бу ёғига Халимахон гўё кўз юмиб очгунча ҳам улгурмади:

фотиҳаси тугар-тугамас чилдирма чалиб "ёр-ёр"ни бошлаган янгалар Нодирани қўшдай учириб олиб чиқиб кетишди-ю:

— Ўзингизни тутинг! Тез бўлинг! Ҳамма машинага чикди, битта сизга қараб турибмиз! Келиннинг ўзи тўйхонага бориб сўппайиб турмайди-ку! — деб Халимахонниям шошилтира бошладилар.

Халимахон эса... чарчаган, толиққанини энди англагандек эди. Айниқса, томоғи қуруқшаб чой ичгиси келарди: қайноқ, аччиқ чой...

Нодираси доим унга: "Ая, аччиқ чой соғликка зарар", — деб суюққина чой дамлаб келарди. Лекин ишдан чарчаб келган Халимахон чойнинг рангини кўрибоқ: "Чойга ўхшаган чой дамласанг бўлмайдими?!" — дерди жаҳл билан. Нодира чойнакни кўтариб индамай ошхонага кетарди-да, сал ўтмай қайтиб келиб пиёлага қуюқ дамланган чой қуйиб худди кинолардаги каби товозе билан узаткан:

— Қалай, чойга ўхшаган чой бўлибдими? — дерди кўзлари чарақлаб.

Ҳамиша шундай эди: Халимахон чарчоқданми ё кўнгли торлик қилибми, қизининг ишларидан хато топиб жаҳл қилса, Нодира ўша заҳоти камчилигини тўғрилаб: "Энди хурсандмисиз?"— дегандай онасига кулиб тикилиб турарди. Қизининг беғуборлик, эркалик, меҳр-муҳаббат тўла кўзларига қараб Халимахон гўё ҳушига келарди: "Ҳали ёш-ку бу! Озгина кўнглимни кенг қилсам бўлади-ку!"

... Халимахон ҳозир, қандай бўлса ҳам, Нодира дамлаган чойни, унинг: "Чойга ўхшаган чой бўлибдими?" — деб кулиб туришини шунчалар соғиндики!...

Муҳтарама УЛУҒ

ҲАТТО, САМОЛЁТ ҲАМ УРИБ ТУШИРИЛАДИ

Олимпиада ўйинлари бошланишига 2 ойдан камроқ вақт қолди. Мусобақа хавфсизлигини таъминлаш учун Греция ҳукумати бир миллиард евро миқдорида маблағ сарфлайди. Хавфсизлик дастури тадбирларини амалга оширишда етмиш минг киши, жумладан, полициячилар, махсус хизмат ходимлари ва ҳарбий бўлинмалар иштирок этадилар.

Олимпиада ўйинлари давомида Олимпия иншоотларига яқинлашишга уринган самолётлар Греция томонидан уриб туширилади. Шу билан бирга мамлакатга ташриф буюрадиган сайёҳлар, шахсий автомашинасида келадиган ҳайдовчилар бир неча маротаба божхона рўйхатидан ўтадилар. Буларнинг барчаси Олимпиада ўйинларини юқори даражада ўтишига хизмат қилади.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН

Шифокорлар турли жароҳат ёки куйиб қолиш натижасида юз терисини тиклашнинг янги ва афсонавий усулини излаб топишга муваффақ бўлишди. АҚШнинг Луисвилл университети жарроҳлари ўлик танасидаги юз тўқималарини трансплантация — кўчириш йўли билан тиклаш борасида, пластик жарроҳлик соҳасида чинакам инқилоб яратдилар. Ноёб усулга қадар шифокорлар куйиб қолган терини ўз ҳолига келтириш учун ўша одамнинг ўз танасидаги тўқималардан фойдаланиб келган. Бунинг учун 100 дан ортиқ жарроҳлик операциялари ўтказишга тўғри келади, бошқа тўқималарни трансплантация қилиш техник жиҳатдан ҳам қулайлиги билан ажралиб туради. Бироқ беморнинг операциядан кейинги ҳолатида унинг соғлигини тиклашда психологнинг ёрдами зарур бўлади, чунки юзни ўзгартириш беморнинг руҳий ҳолатига қандай таъсир кўрсатишини олдиндан билиб бўлмайди.

БЎЙИН ЁШАРИШИНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Америка жарроҳлари кишининг ёши улғайиб бориши билан боғлиқ бўлган терининг эластиклигини йўқотиш хусусиятини тиклаш, қолаверса, косметик нуқсонларни даволашнинг янги усулини тавсия қилмоқдалар. Бу усул асосида қовоқ териси, бўйиндаги тиришларни "тортадиган" нафис ва нозик пластикли сеткадан фойдаланиш кўзда тутилади. Кўнгиллилар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу усул хавфсиз ва кўп ҳолатда яхши натижа беради. Юз нафар мана шундай кўнгиллилардан 86 нафари ўзларининг кўринишидан мамнун эканлигини маълум қилишган.

Суннатилло ИСЛОМОВ тайёрлади

АЁЛЛАРИНГИЗГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Яқинда Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)да хорижий аёлларга, айниқса, Шарқий Европадан сайёҳ сифатида ташриф буюрадиган аёлларга виза бериш қисқартирилгани ҳақида ўқиб қолдим. Бироз ажабландим. Чунки БАА сайёҳатбоп мамлакат бўлиб, бир қатор гўзал шаҳарларига эга. Гап бошқа ерда экан. Бундай қарорни қабул қилишдан мақсад — фоҳишабозликка қарши кураш экан.

Уйлаб қоласан киши, сўнгги йилларда чет элларга гўёки сайёҳ сифатида бориб, турли йўллар билан пул топаётган аёллар ҳақида тез-тез эшитадиган бўлдик. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, БААда фоҳишабозлик авж олмаган, умуман бу нопок йўл уларнинг динига, маданиятига тўғри келмайди. Аммо сайёҳ сифатида хориждан келган айрим аёллар у ерда бузуқликка йўл қўймоқдалар. Визани қисқартириш чораси, айниқса, айрим собиқ совет давлатларидан келадиганларга қўлланилади. Бу ҳол ҳамюрт аёлларимиз учун ҳам таалуқлилиги жуда ачинарлидир. Дарҳақиқат, шундай аёлларнинг кўпчилиги алдов йўли билан олиб кетилаётган бўлса, яна баъзилари онгли равишда «саёҳат»га кетишмоқда.

Гирромлик қилма, Бритни!

Поп мусиқасининг маликаси Бритни Спирснинг Европа турнеси шармандаларча ниҳоясига етди.

Можаро хонанданинг менежерлари концерт билетларига ниҳоятда қиммат нарх қўйиб сотаётганлигидан бошланиб кетди. Бритнининг мухлислари ҳеч бўлмаганда «жонли» ижродаги қўшиқларга умид боғишлаганди. Бироқ ўн икки минг ўринлик Уимблдон ўйингоҳини лиқ тўлдирган томошабинлар Спирс ҳам «фанера» (фонограмма) касаллигига мубтало эканлигининг гувоҳи бўлишди. Бу ҳолат Бритни ёритгичлар симига илашиб, саҳнадан йиқилиб тушганда ошкор бўлиб қолди, чунки «Тохіс» номли қўшиқ гўё ҳеч нима бўлмагандек давом этаверди. Хижолат бўлган поп малика яна саҳнага чиқиб, хаёли қочган операторга жонжаҳди билан куйиниб имо-ишора қила кетди. Бироқ у ҳеч нарсага эътибор қилмас, қўшиқ эса давом этарди. Бунақанги очиқдан-очиқ товламачиликдан ғазабланган томошабинлар ҳуштак чалиб, Бритнининг саҳнадан чиқиб кетишини талаб қила бошладилар, кимлардир хонандага қарата саҳнага тухум ирғитишдан ҳам тоймадилар. Тухум сариғи сочларидан оқиб тушаётган Бритни дарғазаб оломоннинг ҳайқириқлари ва ён-атрофга таралаётган қўшиқ оҳанглари остида саҳнани тарк этишга мажбур бўлди. Эртаси кунга белгиланган концерт қолдирилди, билетлар учун олинган пуллар хонанданинг мухлисларига қайтарилди.

Хориж матбуотидан Насиба УСМОНОВА таржимаси

Тарихнинг сирли саҳифалари

СТАЛИННИНГ ЎЛИМИ



Иосиф Сталин узоқ — 74 йил умр кўрди. Ажал унинг эшигини 1953 йил 1 март куни қоқди. Шу куни Кунцево дачасида дам олаётган доҳийдан бирон нидо бўлмади. У хонасидан чиқмади, тушликка буюртма бермади, ҳеч кимни чақирмади, ҳатто одатдагидек, эрталабки почтани қараб ҳам кўрмади. Сталинни безовта қилиш қатъиян ман этилган, бунга ҳадди сиққан киши балога қоларди. Фақат тунги соат 11 ларга бориб хизматчилар хавотирга туша бошладилар ва улардан бири почтани кўтариб, доҳийнинг хизмат хонасига киришга журъат этди.

Сталин ҳеч қаерда кўринмасди. Ходим у хонадан бу хонага ўтиб, охири кичик емакхонага кирди. Сталин ич кийимда хона ўртасида ётарди. У бир амаллаб қўлини кўтарди ва ёрдам беришни сўраб имо қилди.

"Халқлар отаси"нинг миясига қон қуйилган экан. Унинг ўнг томони фалаж (паралич) бўлиб қолган, нутқ маркази ишдан чиққан, бундан ташқари юрак ва нафас органлари шикастланган эди. Дўхтирлар бир неча кун ўринмасин, давлат бошлиғини асраб қолишдан ожиз эдилар. Гап шундаки, ашаддий бюрократик усулни Сталиннинг ўзи жорий этган, бирон киши берухсат унинг ҳузурига киролмасди. Натижада бунинг азобини диктаторнинг ўзи бошидан кечирди. Шу аснода у тўққиз соатча ёрдам кутиб ерда чўзилиб ётишга мажбур бўлди. Иккинчидан унинг шахсий қоровуллари зудлик билан врачларни чақириш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар. НКВД бошлиқларини топиб, аҳволни тушунтириш, ўртоқ Сталиннинг дарди оғирлигини хабар қилиш учун тағин 10 — 12 соат ўтди. Дўхтирлар етиб келганда амалда масала ҳал бўлган эди ҳисоб. Учинчидан, Сталинни асраб қолиш учун чақирилган врачлар ҳаётида биринчи марта доҳий билан юзма-юз келган кишилар эди. Улар беморнинг касаллик тарихини билмасди. Кўп йиллар давомида Сталинни даволаб келган академик Виноградов бошқа шифокорлар қатори аллақачон қамоққа тиқилганди.

Сталиннинг қизи Светлана Аллилуеванинг хотирлашича, шифокорлар нуқул типирчилар, аллақандай текширувлар қилар, беморнинг гоҳ гарданига, гоҳ бўйнига зулук солар, пала-партиш укол қилиб, кетма-кет кардиограмма қилиш билан овора эди. Буларнинг ҳаммаси махсус журналга батафсил ёзиб бориларди. Совет Иттифоқининг барча казо-казолари — Берия, Хрушчев, Маленков, Ворошилов, Кагановичлар ҳам оёқ остида ўралашиб, ишга ҳалақит берар, доҳийнинг ўғли Василий эса ғирт маст ҳолатда залга дам-бадам бостириб кирар, "Маразлар, отамни едиларинг!" — деб дағдаға қилар эди. Берия фурсатни ғанимат билиб, беморнинг тепасига энгашар, "жилла қурса бир нима денг", деяр, чамаси Сталиндан ворис кимлигини билиб олгиси келарди. Бироқ доҳий на қимирлаш, на гапиришга мадорсиз ётарди.

"Халқлар отаси"нинг аҳволи кун сайин оғирлашиб борарди... Нафас олиш маркази ишдан чиққач нафаси бўғзига тиқила бошлади...

Ўта қаттиққўл золимнинг жон бериши жуда оғир кечди. Унинг юзи қорайиб, лаблари кўкариб кетди. Юз ифодаси таниб бўлмас даражада ўзгара бошлади... Бундай узоқ чўзилган, машаққатли ўлим унинг инсонларга қилган зулми учун қасос бўлса ажаб эмас...

5 март куни соат ўнларга яқин, ажал беморни исканжасига олди. Сўнгги дақиқаларда тилдан қолган золим атрофдагиларга қандайдир даҳшат билан бирма-бир тикилди. Бу нигоҳда кўп нарса бор эди: эсдан оғиш, ғазаб, кўрқув, илтижо... Хуллас, ҳаммаси... Тўсатдан Сталин чап қўлини баланд кўтарди. Эҳтимол бу билан ҳаммага дағдаға қилгандир, эҳтимол, ниманидир кўрсатмоқчи бўлгандир. Бу унинг сўнгги ҳаракати эди. Тангри унга енгил ўлимни раво кўрмади.

Сталиндек машҳур одамнинг ўлими турли шубҳалар уйғотмаслиги мумкин эмас. Шубҳа эса биринчи навбатда Берия бошчилигидаги кичик гуруҳга қаратилди. Масалан, А. Автархонов "Сталин ўлимининг сири" китобида Сталинни Берия бошчилигидаги партия етакчилари гуруҳи — Хрушчев, Маленков ва Булганинлар заҳарлаб ўлдирган, деган хулосани олға суради.

Бу тахминни исботлаш учун Автархонов бир қатор далиллар келтиради.

Сталин хушидан кетган кундан аввалги кечада мана шу тўртов тонготар унинг даврасида зиёфат қуриб ўтирган. Эртаси кечқурун доҳий бехуш ётгани ҳақида хабар етиб келганида эса Берия врач чақириш уёқда турсин, ўз "устози"ни бориб кўришни ҳам хаёлига келтирмаган. Бунинг ўрнига уйига борib хотиржам дам олаверган. Бунинг сабабини кейинчалик бундай деб тушунтирган: "Тунги қуюқ зиёфатдан кейин доҳий дам олаётгандир, деган фикрда эдим", деб қўяқолган.

Сталинни даволаш учун келган врачлар биров танимайдиган дўхтирлар бўлган. Золим доҳийни аввалдан даволаб келган врачларни эса олдиндан алмаштириб қўйишган ёки қамоққа тиққанлар. Бундан ташқари Лаврентий Берия бемор устида ўзини ғалати тутган, унинг бутун ҳаракатларидан ўлим ёқасида ётган беморни масхара қилаётгани сезилиб турган. Гўё у Сталиннинг ажали етгани муқаррар эканини олдиндан аниқ билгандек. Бемор ўлгач уни нечоғлик тўғри даволаганларини текшириш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилган. Бу билан доҳий чиндан ҳам ўз ажали билан кетган, деган гапни исботламоқчи бўлганлар. Амалда эса, Берия бу ишни "қўрққан олдин мушт кўтарар" қабилида қилган эмасмикан, деган шубҳа туғилиши табиий.

Адиб ёзган шубҳаларда жон бор. Сталиннинг ўз сафдошларини вақти-вақти билан қирғин қилиб, ўрнига ёш кадрларни қўйиш одати бор эди. Ўз вақтида Ягода, Ежов деганлари ажалнинг ўқига учраган, энди эса навбат Берияга келиб етганди. Устига устак Сталин янги репрессия тўфонини бошлаб юборганди. Шундай экан, Берия ўзини сақлаб қолиш учун доҳийни йўқ қилишдан бошқа илож мавжуд эмаслигини билар эди. Аммо ҳарчанд қонхўр бўлмасин, Сталин "халқлар отаси" эди, халқ уни севарди. Бундай одамни эса тўғридан-тўғри ўлдириб бўлмасди. Энг қулай усул марказий асаб системасини фалаж қиладиган заҳардан фойдаланиш эди. Бироқ бу юмушни айнан ким адо этган — Бериянинг ўзими, ёки ҳамтовоқларими, бунисини исботлаш мумкин эмас.

Сталин ўз салтанати тамом бўлаётганини ҳис этар, шунинг учун яна бир қирғинбарот бошлашга шайланиб турар, бунинг устига аллақачон "томи кетиб бўлган" эди. Хрушчев ҳам, атрофдагилар ҳам буни яхши англар эдилар...

Нима бўлганда ҳам Сталин учта энг буюк золимлардан бири — яъни Гитлер ва Муссолини қатори ХХ аср тарихидан жой олиши муқаррар.

И. БУЛКИННинг "Буюк одамларнинг ўлим сирлари" китобидан.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 731. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Адади: 1669 нуска

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди